



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz •

2004 йил 31 март №66 (3341)

Чоршанба

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 30 март куни Оқсаройда Литва Республикасининг собиқ Президенти Валдас Адамкусни қабул қилди



Ўзбекистон — Литва муносабатлари ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорликни фаол ривожлантириб келяпти. Ўзбекистон раҳбари 1995 йилнинг июнида давлат ташрифи ва 2002 йилнинг сентябрида расмий ташриф билан Литвага борди. 1997 йил февралда Литва раҳбари, 1995 йил декабрь ва 2002 йил февралда Бош вазирлиги Ўзбекистонга келди. Олий даражадаги муло-

қотларнинг давомийлиги мамлакатларимизда ўзаро ҳамкорликка интилиш кучли эканидан далолатдир. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Айни пайтда Ўзбекистонда Литва сармоясини янада кенйтишга қаратилган фаол ишчилик амалиёти юргизилмоқда. Илмий-техникавий ва маданий-маърифий ҳамкорлик доирасида электроника, материалшунослик, ахборот технология-

лари, иссиқлик энергетикаси каби соҳаларда қўша илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Тошкентда 1993 йилдан буён Литва маданият маркази ишлаб турибди. 2001 йилнинг июлида Вилнюс ва Виссагинос шаҳарларида Ўзбекистон маданият марказлари ишга тушди. Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон — Литва муносабатлари, минтақавий хавфсизликка доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди. В.Адамкус яқинда Тошкентда содир этилган

террорчилик ҳаракатларидан жабр кўрганларнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этиб, қўпуровчилар ўзбек халқининг иродасини бука олмаслигига, Ўзбекистон ёвуз ниятли куларга муносиб зарба бериб, ўз тинчлик ва барқарорлигини сақлаб қолишга қатъий ишонч билдирди. Литванинг собиқ раҳбари ҳозирги кунда ЮНЕСКОнинг яхши ният эълани сифатида фаолият юритмоқда. Президент Ислам Каримовнинг Фармонида биноан Ўзбеки-

тон — Литва муносабатлари ривожига қўшган улкан ҳиссаси ва икки мамлакат халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари учун Валдас Адамкус "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган эди. Музокара якунида Президент Ислам Каримов меҳмонга "Буюк хизматлари учун" орденини топширди. (Ў.А.)

СУРАТЛАРДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган суратлар

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

### Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида

Олий ўқув юртлири фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини чуқурлаштиришга доир замонавий талабларга мувофиқ қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қишлоқ ва сув хўжалиги учун юқори ва малакали кадрлар тайёрлашни мақбуллаштириш юзасидан тақдирланган ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия тузилсин.
2. Махсус комиссия ўз ишларида қуйидаги муаммоларни ҳал этиш зарурлигини келиб чиқсин: биринчидан, республика тармоқлари ва ишлаб чиқаришлар комплекси сифатида қишлоқ хўжалигида ерларнинг, энг аввало, сугориладиган ерларнинг унумдорлигини сақлашдан тортиб махсуслотларни етиштириш ва дастлабки қайта ишлаш, сақлаш ва сотишгача бўлган ўзаро боғлиқлик ва аялтилик йўқотилган, бу борада уларни жаҳон ютуқлари даражасида қишлоқ хўжалиги эканлигини ўстиришни замонавий технологиялари ва усулларига йўналтириш

айниқса муҳимдир; иккинчидан, Ўзбекистон бугунги кунда жаҳон бозорига меҳнат тақсимотининг тўла ҳуқуқли субъектларидан бири бўлиб қолаётганлиги туфайли қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларини ихтисослаштириш масаласи ҳал этилиши зарур бўлган гоёт муҳим муаммолардан биридир. Энг аввало, етиштирилаётган махсуслотларнинг рақобатбардорлигини таъминлаш ҳамда республиканинг жаҳонда қишлоқ хўжалиги махсуслотлари ишлаб чиқаришда муносиб ўрин эгаллаши зарурлиги устувор вазифа ҳисобланади. Бунда Ўзбекистоннинг географик жиҳатдан жойлашиши, унинг табиий-иқтисодий хусусиятлари, ерлар унумдорлигининг ҳолати гоёт муҳимдир.

(Давоми 2-бетда.)

# Барчамиз сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлайлик

Бугунги кунда ер юзининг турли нуқталарида қанчадан-қанча беғуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлиб, барча эзгу ниятли инсонлар қалбида қаҳр-ғазаб ва нафрат туйғуларини уйғотаётган террорчи кучлар тобора ваҳшийлашиб, ўзининг мудоҳи ва қонли башарасини янада очик намойиш қилмоқда. Деярли ҳар куни бундай қабиҳ кучлар, ёвуз террорчилар томонидан содир этилаётган қонли ҳаракатларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

миз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, фарзандларимиз бахти, хонадонларимиз осойишталигига раҳна солмоқчи бўлган қонли газандаларнинг ер билан яқсон этилгани бу ҳақиқатни аққол тасдиқлаб турибди. Пойтахтимизда содир

катлар қамада олти ой мобайнида тайёрланган ва уни Наврўз кунларида амалга ошириш мўлжаллангани ҳақида гапирди. Демак, террорчиларнинг мақсади халқимизнинг азалдан тинчлик ва эзгулик рамзи бўлмиш байрамимиз мотамга айланти-

лислигини, ўзимиздек эзгу ниятли инсонларга бағрикенглигимизда. Бундай олжасиз мақсад, буюк фазилатлари бор ҳар қандай шароитда ҳам умид-ишонч билан ашайди, эртанги кунга фарзандлари келажагини ўйлайди. Бир сўз билан айтганда, юксак мақсадларни қўлаб дадил олган интилаётган халқ қарвонини асло тўхтаб бўлмайди.

## ЧУҚУР ҲАМДАРДЛИК

Ўзбекистон ва Россия Президентлари Ислам Каримов ва Владимир Путин сешанба куни телефон орқали суҳбатлашиб, терроризмга қарши курашда ҳамкорликни ривожлантиришнинг амалий жиҳатларини муҳокама қилдилар. Россия Президенти Ўзбекистондаги террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлганлар ва жабр кўрганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этди, Ўзбекистон раҳбариятига бардамлик тилади.

30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов телефон орқали мулоқотда бўлди. Тожикистон раҳбари 28-29 март кунлари Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида содир этилган муذҳиш террорчилик ҳаракати туфайли ҳалок бўлганларнинг оила аъзоларига чуқур таззия изҳор этди. Президент И.Раҳмонов, террорчиликка қарши курашда биз ҳаммашра Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаб келганмиз, бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлаймиз, дея ишонч билдирди. "Биз ҳаммашра бирга бўлганмиз, бундан кейин ҳам доимо бирга бўламиз", деб таъкидлади И.Раҳмонов.

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари, Дахшати портлашлар оқибатида 19 кишининг ҳалок бўлиши ва кўпчилигининг жароҳатланиши муносабати билан Сизга ва қурбон бўлганларнинг оила аъзоларига самимий ҳамдардлик изҳор этаман. Омон қолганларга тезда соғайиб кетишларини тилайман.

Герхард ШПЕДЕР, Германия Федератив Республикаси Федерал канцлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ РАСМИЙ АХБОРОТИ

2004 йил 30 март куни эрталаб соат 7 дан 20 дақиқа ўтганда Тошкент вилояти Қибрай тумани "Умид" ширкат хўжалиги "Бойжигит" маҳалласида (Қорамурт кўчаси, 1-А" уй, 20-хонадон) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қуролланган жангарилар гуруҳи аниқланди. Қўлга олиш жараёнида 20 кишидан иборат террорчилар қўлбола портловчи мосламалар ёрдамида ўзини ўзи портлатиб юборди. Портлаш чоғида 3 нафар милиция ходими ҳалок бўлди, 5 нафар милиционер турли даражада жароҳатланди. Маъмур террорчилик ҳаракати юзасидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

# ХАЛҚИМИЗ ИРОДАСИ БУКИЛМАЙДИ

Афсуски, бундай воқеалар бизнинг гўзал ва бахткор диёримизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Одамларни қўрқитиш, уларнинг юрагига ваҳима солиш, халқнинг эртанги кунга бўлган ишончини сўндириш, унинг асрлар синовидан ўтиб келаётган метин иродасини букишни мақсад қилиб олган бу разил кучлар сўнгги йилларда бизнинг муқаддас юртимизга ҳам хуруж қилмоқда.

Кейинги кунларда Тошкентда рўй берган террорчилик ҳаракатлари ҳам ана шу ёвузликнинг яна бир кунишидир. Беғуноҳ одамларнинг қони тўкилишига сабаб бўлган ана шу воқеалар муносабати билан Президент Ислам Каримов Ўзбекистон телевидение-сига берган интервьюси-

да ҳалок бўлган юртдошларимиз, милиция ходимларининг оила аъзоларига, яқинларига ҳамдардлик изҳор этиб, таскин берди, кўнглини кўтарди. Халқимизни янада хушёр бўлишга даъват этди, бу қабиҳ кучларнинг албатта пайи қирқилиши, муқаррар жазо олишини қатъий таъкидлади. Сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли худудларида қўпуровчилик ҳаракатлари содир этиб, халқи-

этилган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан қўллаб-давлатларнинг раҳбарлари, танкилик сиёсат ва маданият арбоблари мамлакатимиз раҳбарига, бутун халқимизга мурожаат этиб, ўз ҳамдардлигини билдирмоқда. Бу ҳам террорчиликнинг жирканч башараси бутун дунёда барча халқлар ва давлатлар томонидан бирдек қораланаётганини яна бир бор кўрсатади. Президентимиз ўз интервьюсида бу ёвуз ҳара-

ришдан иборат бўлган. Ўзингиз бир тасаввур қилиб кўринг, байрамда болалар, кексалар, аёллар ва қизлар — умуман, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча инсонлар қўчаларга, хиёбон ва майдонларга чиқади. Одамқур террорчилар эса шундай вазиятда оммавий қирғинларни уюштиришга қасд қилган. Ахир, бу тинч аҳолининг, гўдаклар, кексалар, аёлларимиз ва қизларимизнинг гуноҳи нима? Бу ёвуз жангариларнинг қанчалик

да "шаҳид", "шаҳид камари" каби сўзларни билиб-билмай қўлламоқдаки, бунга таажуб ва таассуф билдиришдан ўзга илоҳий йўқ. Ўзингиз ўйланг, оиласи, бола-чақаси ташвиши билан банд бўлиб, тинчгина яшаётган беғуноҳ одамларнинг, норасида болаларнинг, аёл ва кексаларнинг ҳаётини барбод этётган қонхўрларнинг ўз номи билан хотили деб аташ керак эмасми? Бизнинг кучимиз — ниятимизнинг улуғ ва хо-

лислигини, ўзимиздек эзгу ниятли инсонларга бағрикенглигимизда. Бундай олжасиз мақсад, буюк фазилатлари бор ҳар қандай шароитда ҳам умид-ишонч билан ашайди, эртанги кунга фарзандлари келажагини ўйлайди. Бир сўз билан айтганда, юксак мақсадларни қўлаб дадил олган интилаётган халқ қарвонини асло тўхтаб бўлмайди.

## ХАЛҚ ВА МИЛЛАТГА ТАЖОВУЗ

Тошкент шаҳрида содир этилган террорчилик ҳаракатлари халқимиз қалбида бундай ваҳшийликка қўл урганларга нисбатан қучли нафрат уйғотди. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Ўзбекистон телевидение-сига берган интервьюси, "Ўз халқига, ўз Ватанига қўл кўтарган, беғуноҳ инсонларнинг умрига зомин бўлган разил кимсаларнинг қилмишларини фош этиб, халқимизга кўрсатамиз. Бунга бизнинг кучимиз ҳам, қурбимиз ҳам етади",

деган сўзларини тинглаб, юртдошларимиз қалбида эртанги кунга, бошлаган ишларининг тўғрилигига, фарзандлари келажагига бўлган ишонч янада мустаҳкамланди. Эрта тонгда яхши ният билан уйдан чиққан, фарзандларининг орау-ҳаваслари билан яшаётган беғуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш кимга керак бўлди? Бундан мудоҳа нима? Мана шу савол барчани ўйлантирмоқда. Одам боласи бир нарсани ёки кимнидир

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Каҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири

ёқтирмаслиги мумкин. Лекин ҳамма нарсага, ҳаммага гайр кўз билан қараётган, ўзларини қурбон қилиб бўлса-да, ўзгалар ҳаётига зомин бўлаётган кишиларни қандай тушуни мумкин? Халқнинг қаҳр-ғазаби билан ўйнашиш — ўт билан ўйнашидир. Террорчилик — халққа, миллатга хиёнат. Бундай ёвуз ҳаракатларни кимлардир ўзгача талқин қилиши, ғаламисона гап-сўзлар тарқатиши мумкин. Йўқ! Беғуноҳ инсонлар, норасида

гўдаклар ҳаётини, заррача бўлса-да, қадрлаган киши бу йўлга кирмайди, қиролмайди. Террорчиларнинг мақсадлари — осуда ҳаёт тарзимизни издан чиқариш, халқ орасида таҳлика кўзгатиш. Шу орқали ўзларининг манфур ниятларига етмоқ. Улар ҳеч қачон бу манфур ниятга етолмайди! Оллоҳ ҳам асранганни асрайди, дейди халқимиз. Шундай экан, барчамиз Президентимиз Ислам Каримов аурофида янада жипслашмоғимиз ва террор деган махлуқнинг бошини янчиб ташламоғимиз зарур. Беғуноҳ инсонларга шафқат қилмаганларга нисбатан шафқат йўқ!

(Ў.А.)

## Осоишталик ҳамма Нарсадан устун

Ҳар қандай ноҳус хабар биринчи бўлиб оналар қалбини ларзага солади. Шунданми, мен ҳам Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида рўй берган муذҳиш воқеаларни эшитиб, чуқур ўйга ботдим. Чунки бизнинг оилавий болалар ўйимизда 14 нафар турли миллат фарзандлари бир оила аъзоларидек тарбияланмоқда. Уларнинг ҳар бири менга ўз фарзандим каби азиз ва меҳрибон. Турмуш ўртоғим Ашим Болатов иккинчи ҳаётимизни ана шу кўнгли ярим болаларнинг бахту саодати учун бағишлаётганимиздан мамнунмиз.

Юртбошимизнинг телевидение орқали чиқишларини кўриб, юртимиз тинчлиги, фарзандларимиз хотиржамлиги учун республика ҳукумати то-

Монидан барча қоралар қўриқтирилганини эшитиб, кўнглим таскин топди. Айни чоғда, ҳали ҳам ораминда тинч ва фаровон ҳаётимизга раҳна солишга уринадиган, халқимиз эришяётган ютуқлардан гуруҳларини ўрнига уни топташга ҳаракат қилаётган кимсалар борлигиндан надратландим. Бугун улкан санаот корхоналарига эга Навоий вилояти аҳолиси ваҳима ва таҳликага тушмасдан ўз иш жойида вазиносиди сийқидилган бағжармоқда. Шу билан бирга, тинч-лигимиз ҳар биримизга, ҳар дақиқа огоҳ ва хушёр бўлишимизга боғлиқ эканлигини яхши англамоқда.

Юдмила БОЛАТОВА, Навоий шаҳридаги «Болталар» оилавий болалар уян директори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Сув ресурслари билан таъминлаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бизнинг шароитларимиз учун энг муҳим ва халқчилувчи омиллар ҳисобланади;
а) сув ресурсларининг тақчиллиги тобора ортиб бораётган, давлатларaro сув оқимларини бошқаришда муаммолар мавжуд бўлган шароитларда сув ҳўжалиги асосий фондларининг замонавийлаштириши;
б) ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув оқимларини тўплаш ва тартибга солиш, ерларнинг шўрланиши ва ботқоқланиши бартараф этиш, гидротехника иншоотларининг ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлаш, сувни тақсимлаш, унинг сарфларини ҳисобга олишининг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этилиши;
в) сув ресурслари чекланган шароитда фермер ҳўжаликлари сонининг ҳаддан ошмасдан сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишини талаб қилиши;
г) республикада фойдаланиш учун илмий ва инновацион ёндашувни ҳамда уларни замонавийлаштириш учун юқори малакали кадрларни талаб қиладиган кўплаб гидротехника иншоотлари, сув омборлари, суғориш ва дренаж муҳандислиги тизимларига эга бўлган мураккаб ва қудратли ирригация тизимларининг фаолият кўрсатиши;
д) ерларнинг қонирасиз мелиоратив ҳолатининг, коллекторлар, мавжуд ёпиқ ва вертикал дренаж тармоқлари техник ҳолатининг суғориладиган ерлар унумдорлигига салбий таъсирининг олдини олиш зарурияти.
3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти негизида Тошкент ирригация ва мелиорация институтини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.
Махсус комиссия 2004

4. Махсус комиссия, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги;
Тошкент давлат аграр университетини, Андижон ва Самарқанд қишлоқ ҳўжалиги институтларини тўғри қўриб олиш;
Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг мутахассислар тайёрлашда тугган ўрни ва роляси, уларнинг қишлоқ ҳўжалиги етакчи тармоқлари - мелиорация ва сув ҳўжалигидаги фаолиятига ҳолисона баҳо берилиши;
институтдаги таълим йўналишлари ва кадрлар тайёрлашининг иختисослашуви ўрганилиши, уларнинг ирригация ва мелиорация соҳасидаги замонавий талабларга ва долзарб вазирликларга негизли мувофиқлиги таҳлил қилиниши;
ушбу қарорнинг 2-бандида баён қилинган асосий йўналишлари ва вазифаларига жавоб берадиган институтнинг факультетлар йўналиши ва ўқув базасининг мазмунини, кафедраларнинг иختисослашувини белгилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўрилиши;
институтнинг илмий излашуларини ва амалий тадқиқотларини қўйиладиган устувор йўналишлари - сув ресурслари сифатини яхшилаш, улардан фойдаланишни маъқуллаштириш ва уларни тежашга, тўпуқ унумдорлигини ошириш учун ерларни суғоришининг илгўр методларини ишлаб чиқишга ва кенг қўланишга, гидротехника иншоотларининг ишончилигини ва фойдаланиш учун хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилиши.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

Тошкент шаҳри, 2004 йил 30 март.

И. КАРИМОВ


ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ ЛАЗИЗ РАҲМАТОВ).

Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг филиалида Буюк Британиянинг "FREEDOMLAND" компанияси Марказий Осиё минтақаси бўйича ваколатхонаси билан ҳамкорликда телевизор орқали Интернетга боғланиш имконини берувчи "NetBox" қурилмасининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Телевизор орқали — Интернетга

Ускунадан мактаб ва олий ўқув юрталарида дарс ўтишда, кинотеатрларда, меҳмонхоналарда Интернет орқали турли фильмлар томоша қилишда фойдаланиш мумкин. Юртимизда бу маъсулота бўлган талабни ўрганиб чиққан ушбу компания раҳбарияти Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистон бозорига "NetBox"ни олиб киришга қарор қилди. "NetBox" Интернетдаги маълумотларни видеомагнитфонга ва принтер орқали қозоғга кўчириб бера олади, факс вазифасини ҳам ўтади.

Мазкур қурилма 2002 йилда яратилган бўлиб, Германия, Франция, Испания ва Буюк Британия каби давлатларда кенг ишлатилмоқда.



Олий Мажлисида

Ҳуқуқ нима, бурч нима, деган саволга жавоб топган, ҳуқуқий маданиятни ўзида муқассамланган йигит-қиз ёмонликнинг этагини асло тутмайди. У қонунга итоат этади, уни ҳурмат қилади. Бу ўрта махсус, касб-хўнар таълими ўқувчиларига ҳам тааллуқлидир. Шу боис уларда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, айниқса, зарур. Чунки ушбу масканларда таълим олувчилар — ўтиш даврини бошидан кечириб ўтган ўсмирлар ҳали ёш, ишонувчан, таъбирсиз бўлади. Шундай пайтда уларни тўғри йўлга бошқариш асосий ишимиздир. Илгга, яхшиликка ташна йигит-қизларнинг тафаккурини ўстириш, ҳуқуқий билими, ҳуқуқий онгини шакллантириш билан мақсадга эришишимизга шубҳа йўқ.

Ҳуқуқий маданият

ёшларимизда янада шакллантирилмоғи лозим

Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан Ёшлар ишлари қўмитасининг қўшами йиғилишида шу ҳафта гап борди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдижон Исмоилов бошқарган тадбирда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизимида бажарилиши бора-бор кўпаяётган ишлар муҳома қилинди.
Маълумки, мазкур дастур парламентимизнинг 1997 йил 29 августда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган. Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва уни амалда қўллаш оладини даражада ҳуқуқий маданиятни шакллантириш тизимини яратилишидир.
Миллий дастурдан келиб чиқиб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хўнар таълими маркази томонидан бир қатор ташкилий ҳамда амалий чора-тадбирлар белги-

Бағрикенглик — барқарорлик кафолати

Анжуман

Кеча Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Тошкент ислом университетида Франция дипломати ва стратегик тадқиқотлар маркази билан ҳамкорликда «Марказий Осиёда бағрикенглик ва мутаассибликнинг ўзига хос кўринишлари» мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда республикаимизнинг таниқли шарқшунос ва диншунос олимлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган турли конфессиялар вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари иштирок этиди.

Мазкур анжуман жорий йилнинг 15 март кунини Парижда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда ўтказилган «Ўзбекистон ва Францияда диний бағрикенглик» мавзусидаги конференциянинг мантқиқий давоми сифатида ташкил этилди. Хорижда бўлиб ўтган йилда дунё шиддат билан ривожланиб бораётган даврда ижтимоий-сиёсий, маънавий-диний жабҳалардаги мураккаб жараҳатда барча миллат ва дин вакиллари бир-бирига нисбатан бағрикенглик, ҳамжиҳатликда тинч ва осуда яшаш жа-

мият барқарорлигининг муҳим омилларидан бири экани таъкидланган эди.
Пойтахтимиздаги анжуманда эса Ўзбекистон тажрибасида дунёвийлик билан динийлик ўртасида шакланган динлараро бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, халқимиз онига таъсир этишга ҳаракат қилаётган мутаассибликка мойил диний оқимлар ва уларга қарши курашиш йўллари хусусида сўз борди.

Тадбир иштирокчилари «Ўзбекистонда диний бағрикенглик аъёнлари», «Диний бағрикенгликни тарбиялашда жаҳон динларини қийсий ўрганиш ТИУ ЮНЕСКО кафедрасининг фаолияти», «Ислам жамоаси Франция ижтимоий ҳаётининг муҳим омилли» мавзусидаги маърузаларни тинглади. Айниқса, Франция дип-

ломатик ва стратегик тадқиқотлар маркази директори П. Домбровскининг «Европада дунёвийликнинг тарихий ривожини» ҳамда Франция сийбасатшунослик институти директори Т. Гарсеннинг «Францияда дунёвийлик хусусида долзарб мунозаралар» мавзусидаги чиқишлари барчада қизиқиб ўйғотди.
Маълумки, дин аҳлига берилган кенг эркинликлардан ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга уринувчилар ҳам бор. Хорижда юртимизга суқилиб киришга интилаётган турли оқимлар, фундаментализм, ақидадарастлик ва хилма-хил диний мутаассиб гуруҳлар вакиллари, уларнинг кирдиқорларини фойда қилиш ҳамда кескин зарба бериш бутун дунё жамоатчилиги олдидаги муҳим вазифалардан бири эканини анжуманда яна бир бор таъкидланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Тошкент ислом университети ректори З. Хусниддинов сўзга чиқди.

Мақсууд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Пахтачи туманидаги «Қарнаб ота» ширкат ҳўжалигида чорвачиликни ривожлантириш учун кенг яйловлар ва катта имкониятлар мавжуд. Аини пайтда бу ерда 21600 бош қўй парвариш қилинмоқда. Ҳар йили баҳор вақтида ўтказиладиган кўзилаштириш мавсумига алоҳида эътибор берилётганлиги боис ўстиришга қўйдириладиган жониворлар сони кўпаяпти. Шу боис қўйлар бош сони ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Натижада ҳўжалик соҳадан ҳар йили катта даромад олаёпти. Қўлга киритиладиган ютуқларда, табиийки, чўпонларнинг ҳиссаси катта.



СУРАТЛАРДА: илгўр чўпон Мели Арабов; ҳўжалик яйловларида. Нурмаат АЛМУРОДОВ олган суратлар.

за юриятда у. — Муаммолар истаганча топилади. Уларнинг аксарияти маҳаллий ҳокимликлар, юқори ташкилотлар ёрдамида ҳал этилмоқда. Масалан, қишлоқимиздаги барча хонадонларга газ қувурлари қўйилган. Лекин туманининг энг чеҳка қисмига қўйилган газ таъминоти кўнгилдагидай эмас. Бу

бир-биримизни қўллаб-қувватлашимиз, жонқуярлик кўрсатишимиз керак.
Мени қишлоқимиздаги иссиқлик муаммоси ҳам кўп ўйлантиради. Ахир, кўп иллатлар шундан келиб чиқмоқда. Безорилик, ўғрилик, оилавий қўйдиқчиларнинг бари бекорчиликдан. Утган йили 182 чилки оила вужудга келган

— Депутатга қандай имтиёзлар берилган? Сиз ундан қандай фойдалангансиз?
— Мен биттагина имтиёзни билман. Уям бўлса, сенга ишонч билдирган, умид кўзларини тиккан одамларга сидқидилдан хизмат қилиш, эл қорига яраш. Биласизми, менинг назаримда, ҳамжиҳатликнинг дунёқароши кейинги ўн йилда бутунлай ўзгариб кетгандай. Бебарволик, лоқайдлик, бир амаллаб кун ўтказиш, боқимандалик сингари иллатлар ўрнини ишанчлик, ишбилармонлик, нимагадир интилиш каби умидбахш ҳаракатлар эгаллаган.

Шу билан бирга, кам таъминланган, хонадонда ногирон бўлган оилаларнинг ижтимоий ҳимояси йўлида давлат, нодавлат ташкилотлар билан алоқани янада мустахкамлаш зарур, деб билман. Кенгаш сессияларида қандай масала кўтарилмасин, унинг пировард-мақсадда кишилар турмушини яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш, ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилмоқда. Бундан кўнглимда аллақандай ёруғлик ҳис қиламан.
«Депутат бўласизми — раҳбарини, одамларнинг сизга ишонини, қувончу ташвишларини ўртоқлашини — бу жуда катта бахт! Аини чоғда, ўзига хос масъулият. Унинг юқини кўтармоқлик бизлардан мардлик ва бағрикенгликни, ҳуқуқий билимларни пухта эгалламоқлик ва дидилгини талаб этади.»

Опанинг сўхбатимиз давомида айтган мулоҳазаларига қўшилимай бўладими?
— Олдинки ШОДМАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дилбархон Бозорова Шахрихон туманидаги Пахтабод қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига бундан ўн санжиз йил бурун сайланганди.
— Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака кетади, — деганди ушунда у. — Маҳалла ҳам, қишлоқ ҳам бамисоли уй. Бас, шундай экан, келин, аҳил-иноқ бўлайлик, баракани қочирмайлик. Топганимиз болаларимизга, янги уйлар тиклашга, тўйларга буюрсин.

Салкам йигирма учининг қишлоқ олти маҳалланинг катта-кичиги покиза ниятларини ўзига йўлдош билган Дилбархонга эргашди. Унинг йил-йўлига юрди, маслаҳатларига қулоқ тутди. Оғир-босиқ, мулоҳазали, элга қайшимли аёл бора-бора ҳамқишлоқлари онахонига айланди.

— Инсоннинг руҳини текит, ўзини бардам қилиб турган тўйга меҳр, — дея қўнғил дафтарини очадди она. — Кийим-кечакнинг, турли таомларнинг, мол-дуненинг ўлчови бўлиши мумкин. Аммо меҳрининг ўлчови бўлмайди. Меҳр ҳар кунини, ҳар лаҳзада керак. Қишлоқимизда 37 нафар ногирон бор. Сақиз нафари биринчи гуруҳга мансуб. Душман маҳалласида яшовчи Немазжон ота Ашуров шулардан бири. Ёши саксондан ўтди. Уни ёнғизлаштириб қўйганимиз йўқ. Ота биз оғир борадиган нарсаларни эмас, бир оғиз ширин сўзимизни, очик чеҳраимизни, дилда-тақинимизни илҳак қутади.
Қум маҳалласида Мухаммадхон Дехқонов деган йигит яшайди. Ун йилча бурун қўшинлари қирогини ёқиб бераётиб, сиймоғдан дин йиқилди. Қўл-оғи сиқиб, бир умрга мажбур бўлиб қолди. Ушундан бери ётса — туролмайди, турса — ўтиролмайди. Ма-

Одамлар орасида

ҳалладагилар вақт топилиб дегунча уни йўқлашди. Қўнғилигини кўтаришди. Одам тафтини одам олиши, меҳр-оқибат дардан устун келиши рост экан. Армонлар унинг ўрнини умидалар эгаллаган Мухаммадхоннинг ойлиси шу кунларда икки ўғлини уйлантириш тарафдодиди.

Ана шундай хайрли ишлари, элпарварлиги учун Дилбархон опани ҳамқишлоқлари бор овоздан 18-ўрта Шахрихон сайлов оқуруғидан вилоят кенгаши депутатлигига сайлашган. Биз у билан депутат масъулияти ҳақида сузлашамиз:
— Ҳўш, бугунги депутат аввалгиларидан қай жиҳатлари билан фарқ қилади? Халқ вақили бўлиб, ҳўжалик ҳодимининг вазифасини талаб қилишмаёптими?
— Қишлоқ, барибор, қишлоқда, — дея мулоҳа-

Депутат бурчи ва масъулияти

маблаг керак экан. Шунга қарамай, ҳокимимиз Мухаммадхон Разақов жорий йил охирига бориб бу муаммо ижобий ҳал этилишини маълум қилди.
Ҳўш, бугунги депутат аввалгиларидан қай жиҳатлари билан фарқ қилади? Халқ вақили бўлиб, ҳўжалик ҳодимининг вазифасини талаб қилишмаёптими?
— Қишлоқ, барибор, қишлоқда, — дея мулоҳа-

**Долзарб мавзу**

Кумқўрғон тумани ҳокимлигининг мудофаа ишлари бўлими ходими Жамшид Едиков:  
— Аскарликка чиқариш ёшидаги ўсмирларнинг 35-40 фоизда йод танқислигидан келиб чиқадиган жасталиклар аломатлари кузатишмоқда, — деб қолди. — Биз уларни даволанишга йўналтирмакчи бўламиз, лекин рисоладаги тартибда даволанишмайди. Бўқок ҳам касаллик бўлгани, деган ҳаёлга боришса керак-да.

— Бўқок нима? — деб сўрайман Жамшиднинг таассуфларига сув сепмоқчидай бўлиб.  
— Буни тиббий нуқтаи назардан айтиб беришим мумкин. Лекин сиз, аввало, унинг нималигини шу дарда чалинганлардан сўраб кўринг, — дейди жиддий кибфада.

Бу гап менга маъқул тўшди. Вилоят эндокринология диспансерига бордим.  
— Ёшим йигирма еттида, — дейди шифохонада даволанаётган Дилдора Саидова. — Аввалги нафасим қисиладиган, юрагим санчадиган бўлди. Сунг қўл қафларим, товоним терлади. Тез асабийлашадиган бўлиб қолдим. Ҳолсизлик бошланди. Бу ҳолат ўтиб кетар деб ўйладим. Утиб кетмади. Мана, дўхтирга келдим.

— Мен бўқокнинг захарлигига чалинганман, — дейди 41 ёшли шерободлик Ойсара Шойимқулова. — Ёшиларда соғлигимизга қарамаганмиз. Энди бўлса, ухлаётганимда ҳам юрагим тез уради. Асабларим чарчаган. «Тик» этган товуш миямга игнадек урилади.

Бунинг ўз сабаблари бор. Йод танқислиги ҳолатида қалқонсимон без йодли гормонлар — тироксин ва трийотиронинни кам ишлаб чиқаради. Натижада мувозанат бузилади: асабийлашув, буй ўсмай қолиши, бепушлик, оёқ-қўлларнинг терлаб калтириши ва ҳоказо... Бу энди мутахассис врачларнинг хасталик ҳақидаги илмий-амалий таърифи.

Хўш, одамга қанча йод керак? Унчалик ҳам кўп эмас. Бир кунда, масалан, бир яшаргача бўлган гўдакка 50 микрограмм, ёшларга 150, ҳомиладор аёлларга 200 микрограмм йод kifойа. Йодни ҳовучлаб, томчилаб истеъмол қилиб бўлмайди. Организми йод билан турли мевалар, денгиз балıkları, шунингдек, туз воситасида табиатнинг ўзи таъминлайди.

Йод танқислиги яққол кў-

қадоқлаш линияси ишлаб турибди. Қалий йодид таъминотининг кети узилмапти. Тузани саралаш ва йодлаш юмушлари виждонан ва астойдил бажарилапти ва ҳоказо ва ҳоказо...

Лекин... «Мактаб ўқувчилари ўртасида ош тузидаги йод таркибини аниқлаш учун бир кунлик акция» дастури

ми, депман», деган гапим кекса врачга малол келгандай бўлади. Лекин, барибир, биз истеъмол қилаётган туз наҳотки шу даражада ифлос бўлса, деган шубҳага ўрин қолдирмаслик учун вилоят Истеъмол моллари сифатини синаш ва сертификатлаш марказига бордим.  
— Ишлаб чиқарувчи биз-

Бўқок — вужуддаги зилзила. Биз унинг эпицентри Хўжайкон туз кони деб ҳукм юргизиш фикридан йироқдамиз. Бироқ истеъмолга чиқарилаётган туз халқларидида «Йодланган» деган ёрлик бор. Унга ишонши баробарида бошқа эътирозларимизни ҳам айтиб ўтмоқни жоиз деб биламиз.

— Туз ишлаб чиқариш жойидан истеъмолчининг манзилига усти очик ёки дим ҳаво ҳосил бўладиган транспорт воситаларида ташилади. Натижада туз таркибидаги йод учиб кетади. Узоқ мuddат сақланганда ҳам шундай ҳол рўй беради, — дейди Беғам Қурбанов. — Яна бир ҳолат: туз қадоқланган халтанинг бировига «сақлаш мuddати 12 ой» деб ёзилган бўлса, иккинчисида бу мuddат 6 ой деб кўрсатилган бўлади. Яна денг, ўша тузнинг қачон қадоқлангани санаси айрим ҳолларда умуман кўрсатилмайди. Шу кичкина чалқашлик баъзида тузнинг сифати, йодланганига шубҳа уйғотади.

Мулоҳазаларимизга қўшимча қилиб яна мутахассислардан маслаҳат эшитамиз: антиструмен дефтори бор. Таблетка. Ҳафтада бир донадан истеъмол қилган одам йод танқислиги хасталигига чалинмайди. Арзон, 100 дона таблетка битта ноннинг пули.

Муаммодан чиқилиши бундан ҳам қулай, арзон воситаси — бу таркибида йод сероб бўлган мева-сабзавотларни истеъмол қилиш. Санитария маданияти. Ташвиқот. Аммо зиммасида ташвиқот деган маъсулият ҳам турган вилоят эндокринология диспансери жамоасининг имкониятлари ҳаминқадар. Муассасанин уринибгина қолган атиги битта «Дамас» автомашинаси бор.

Энг қизиги, Термиз шаҳрининг қок марказида жойлашган 50 ўринли диспансерда канализация тизими йўқ. Шу аҳволга боғлиқ яна бошқа кўплаб имкониятлар йўқлигини санаб ўтирмасак ҳам бўлар. Диспансер ховлисининг бир замонар кимгадир сотиб ойрилган қисми хароб бўлиб ётибди. Поликлиника хизматиин йўлга қўйишга ҳам имкон бўлма-япти.

Уқиганларингиз эса, шунга ўхшаш гоҳи майда, гоҳи йирик кўсур-камчиликлар оқибатларидан бир шинглик, холос.

Олимжон УСАНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

# БЎҚОҚ — ВУЖУДДАГИ ЗИЛЗИЛА

затилаётган ҳудуд деб эътироф этилаётган вилоят эндокринология диспансери бош врач Беғам Қурбановнинг айтишича, ҳар учта одамнинг биттасида йод танқислиги ҳолати қайд этилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, муаммо ечимининг энг қулай усули истеъмол қилинадиган тузга йод ариштириш. Сурхондарёда бўлса туз деҳқончилик. Шеробод туманининг Хўжайкон тоғида бугун бутун мамлакатни ош ва техник туз билан таъминлаб турган, захираси беҳисоб кон бор. Унда ўтган йили 25 минг тонна ош тузи (маҳаллий газеталарнинг ёзишига кўра, йодланган туз), 4 минг тоннадан зиёд техник туз ишлаб чиқарилган. Коннинг очилганига чорак аср бўлиб қолди. Мутахассисларнинг фикрича, тузнинг сифати яхши, таркибида 90 фоиздан зиёд натрий хлорид бор. Коннинг бешинчи тебратиб турган «Хўжайконтуз» очик турдаги хиссадорлик жамияти бугунги кунда мамлакатимизнинг қатор шаҳрларида ўзининг савдо уйлариин очган. Даромадлари салмоқли, қадамлари дадил. Ишлаяптилар. Ҳалоли бўлсин.

Энди, ҳисоботлар тили билан гапни шу зайдда давом эттираверадиган бўлса, «Хўжайкон»нинг тузидан хавотир бўлмаг, у сифатли, тўлиқ йодлини ишлаб чиқарилапти деган гапга сиз, газетхонларни тўла ишонтирдиган бўламиз. Чунки, бу ерда 3 та йодлаш, 2 та

юзасидан ўтган йили амалга оширилган кичик тажрибалар кишини хотиржам қиладиган натижаларни кўрсатмади десам, хато бўлмас. Термиз шаҳридаги 13-мактабнинг VII «А» синфидан 35 ўқувчи ўз уйларида олиб келган ош тузига махсус эритма томизди. 7 ўқувчи олиб келган туз рангидида ўзгариш бўлмади. Демак, булар таркибида йод моддаси йўқ, — деб ёзади вилоятда чиқадиган «Матрибат тушиши» газетаси ўзининг 217-сониди.

— Акция дастури таҳлилчилари биз истеъмол қилаётган тузнинг ўртача 20 фоизи йодланганини кўрсатмоқда, — дейди Б. Қурбанов.

Бу гаплардан сўнг беихтиёр эндокринолог врач Серко Каттаевнинг хонасида кўрганим бир манзара кўз олдимда жонланди: бақалашкага туз ва сув солинган. Аралаштирилган. Сўнг тиндирилган. Аралашманинг тағиди оқиб чўкма ҳосил бўлган.

— «Хўжайкон» туз конида ишлаб чиқарилиб, чиройли қадоқлиниб, дастурхонимизга тортилган туз — мана шу. Тахминий таҳлилимга кўра, бу тузнинг уч фоизи цемент, етти фоизи — лойка, ўн фоиздан кўпроги — оҳак ва бошқа жинслар. Бу ҳақда мен «Халқ йўли» вилоят газетасида чоп этилган «Биз истеъмол қилаётган туз» номли мақолада ҳам айтганман, — деди Каттаев.

«Бу чўкма билан тузга ўзингиз қўлиши юборибсиз-

га маҳсулотидан намуна олиб келади. Шунга қараб биз синаш-сертификатлаш амалларини бажарамиз, — дейди Марказ раҳбари Қўқор Аҳмедов. — Лекин бу дегани хўжайкончилар бир йилда ишлаб чиқараётган ўша 25 минг тонна тузнинг ҳаммаси сифатли ва йодланган деган гапга қаролат бўлмайди. Иш маромида камчиликлар содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам фаолияти истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган давлат ҳамда жамоат ташкилотлари тузнинг сифатини узлуксиз равишда назоратдан, таҳлилдан ўтказиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

— Иккинчидан, — деб гапимни давом эттирди Қ. Аҳмедов, — ноқонуний ишлаётган мойҳувоз, тегиримон, оҳак чехлари эгаларининг сирлари фош қилиниб, қилмишларига яраша жазога тортилгани ҳақида газеталарда кўп ўқиймиз. Лекин қўлбола усулда ишлатилаётган фалон туз тегиримони ёпилибди, деган гапни эшитмадик. Эҳтимол С. Каттаев бақалашкага солиб қўйган туз ҳам ўшундай тегиримондан чиқандир.


Бемор Ойсара Шойимқулова ҳам ўзи билиб-билмай Аҳмедовнинг гапни такрорлаган бўлади:

— Бизнинг Шеробод томонларда Хўжайконнинг оқ тошини янчиб туз қилаётган «хўнарманлар» ҳақида эшитиб турамыз. Аммо, биров уларнинг мушугини пишт деймайди.

## Бозору дастурхон тўқин

Мева-сабзавотнинг сархил ва арзонини олмақчи бўлсангиз, Чортоқ деҳқон бозорига бординг, дейишди Наманганда. Чунки қирмиш олмаю, донаси муштадай келадиган тотли қартошқаларча бу ерда виллоятнинг шимолӣ ҳудудидида йилнинг тўрт фаслида ҳамини топилди. Нархи баланд эмас, бозорнинг иримиини қилиб, деҳқону боғбон билан таллашиб-тортишсангиз, уни янаям пасайтиришди, ҳаминингиз кўтарадиган даражага келади.

Харидорга ҳам, сотувчига ҳам қулай бўлсин, дея бозор бир сидра мукамал таъмирдан чиқарилгани шундоқ дарвозадан киришингиз билан сезилади. Расталар маҳсулот турларига қараб ихтисослаштирилган. Ҳар бирида тош-тарази, бошқа зарур анжомлар мавжуд. Бултур ишга туширилган ёпик бозорча саноат моллари билан савдо қиладиганларга ажратилган. 120 та сотувчи ўрни бор. Ундаги тургун шохобчалардан тайёр кийимлар, рўзгор буюмлари, хўжалик молларини харид қилиш мумкин. Назорат касса машиналари ўрнатилган бу шохобчалардан сотиб олин-



диган маҳсулотларнинг бари қафолатлангандир. — Деҳқон бозори ўз номи билан деҳқонники, — дейди унинг раҳбари Муродилла Бурханов. — Дала меҳнатчиси келтирган маҳсулотни эмин-эркин сотсин, деб бутун шартини яратиб қўйибмиз. Бизда олибсатарлар, яъни кишлоқдан келганларнинг йўлини тўсиб, молини арзон-гаровга тортиб оладиган кимсаларнинг ўзи йўқ. Шунданми, бозоримиздаги нархнаво бошқа жойлардагига қараганда 20-25 фоиз арзон.

Бозорда нарх қачон барқарор бўлади? Албатта, серобчилик бўлганда. Расталарда кишлоқ хўжа-

Савдо-сотик тартибли уюштирилса, тушумга ҳам барака кирар экан. Паттачи ва назоратчилар йигимларни пешма-пеш кассага топириб туришибди. Аниқроғи, ойлик тушум миқдори бир миллион сўмга етиб қолди. Ана шу маблағнинг бозорга қоладиган қисми савдо ўринлари, расталарни кенгайтириш мақсадларига йўналтириляпти.

Яқинда эса хўнарманчилик устaxonаларини барпо этиш ҳаракати бошланди. Пойабзал, дуррадорлик буюмлари, қандолат маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Бу ниетлар амалга ошса, одамлар маийшй хизмат тармоғида битирадиган юмушларини ҳам шу ерда битириб қайтишди.

Баҳор келгач, бозордаги ҳаёт ҳам янада жонланди. Қўкат ва эртапишар сабзавотларнинг янгилари чиқаяпти. Эртанин расталар бундан ҳам тўқинлашиб, уларга сахий замин неъматлари сифмай қолиши турган гап. Бозору дастурхон тўқин деганлари аслида шудир.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Энг яхши ичимлик — ЧОЙ!**  
Чой куч-қувват беради, С витаминига бой, қорак қон-томир тизими учун фойдали, тешиклангиринг ҳужаймаларига эза, оқдат ҳам бўлишига ёрдам беради.

Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси ҳаммага ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча савдо ташкилотларига кенг асортиментда энг яхши навли, сифати қафолатланган, қиммат бўлмаган нархларда кўк ва қора чойни тақлиф этади.

Сирайи йиллар қадоқлаш синаган! Чой иситинг, соғ-саломат бўласиз.

Маълумот учун телефонлар: Самарқанд шаҳри (8-366-2) 29-46-69, 29-47-02, 29-26-42. Факс: 34-09-11.

**ШКАФЫ-КУПЕ** и ВСТРОЕННАЯ МЕБЕЛЬ

кухни кабинеты прихожие  
бярные стойки  
мебель для офиса  
детские и гостиные  
спальни в стиле модерн

**KOMANDOR**

Итальянская мебель, европейский дизайн, современная технология, качественные материалы, экологически безопасный дизайн и эстетика в реальности.

Товар сертифицирован  
Тел.: 136-31-90, 133-92-82  
e-mail: p.pelena@home.prv.uz

**Хабарлар оқимидан**

— АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси Жон Пурнелл Қорақалпоғистон Республикасида бўлди, — дея хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири Й. Эгамқулова.

**АҚШ элчиси Қорақалпоғистонда**

Ташриф давомида элчи Қорақалпоғистонда АҚШ ҳукумати томонидан таълим, соғлиқни сақлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Шунингдек, у USAID томонидан молиялаштирилаётган табиий ресурсларни бошқариш дастури асосида амалга оширилаётган «Қорақалпоғистонни ичимлик суви билан таъминлаш», «Ўзбекистон мактабларига компьютерлар» лойиҳаларини кўздан кечирди.

**Туғруқхона таъмирланди**

«Анджонёғмай» акциядорлик жамияти «Меҳр ва мурувват йили» дастури асосида вилоят шифохонасининг туғруқхона мажмуасини энг сўнгги талабларга жавоб берадиган даражада капитал таъмирлаб берди, — деб хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири Мақсуд Ақромов.

Бунёдкорлик ишларига 112 миллион сўм маблағ сарфланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят бўлими ҳисобига 13 миллион сўм ўтказилди. Андижон шаҳридаги 48-ўрта умумтаълим мактабининг иситиш тармоқлари тўлиғича янгиланди. Бу мақсад учун 25 миллион сўм сарфланди.

**“TEZINTOM”** ЎЗБЕКИСТОН-GERMANYA ҚҚ

ЎЗ ХАРИДОРЛАРИГА ИЛОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН ҚУРИЛИШ АНЖОМЛАРИНИНГ ЎТА ЗАМОНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ:

ТУРАН РАНГАЛТИ УТА ЗАМОНАВИЙ ТОМ БИЛИК АНЖОМАРИДАН ИБОРАТ БЎЛИШ ТОМАЛАР ТЎЛЎК КОМПЛЕКТАРИНИ ТОШИРИНГ

«Турани» ва «Дамас» металлорезинлар «Мидо» тироксини ўз ҳақидаги профилларида профил бўлинадиган 19 мм

«Турани» турмалин асосида (том ва янама) «Мидо» металлорезин ва профиллари узунлиги 0,95 дм 12 метрга. 1 квадрат метр маҳсулотнинг вағни 4,5 кг. Том анжон-ларига берилган тироксинларда чет за-комплексиди тайёрланади.

ДЕВОР ВА ОСМА ИНОТ ДЕКОРАТИВ ПАНЕЛАРИ, УРАНАТҚИ ЭЛЕМЕНТАЛРИ БИЛАН БИРГАДА

Турани равангиди ва янама, «Дамас» ва «Турани» 0,5 ммлик бўлиб қалайиш.

Манзил: Тошкент ш., Мухоммаднов к., 1 (ТОЭМЗ-1). Мўлжал: «Бўқок Ипак йўли» м. ст.

«ТЕЗИНТОМ» қўшма корхонаси маҳсулотларининг нархлари сезиларли қаматтирилаган

ТУРАН РАНГАЛТИ ПОЛИМЕР ҚОЛМАЛАРИ БИЛАН БЕЗАК БЕРИШ

«МЕЕН» (Германия), фирмаси тез-момоғиси асосида агрессив муҳитта металл ва эластр ўтказувчи пластмасса маҳсулотларига.

GERMANYAНИНГ «НОВО» ФИРМАСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮКСАК ВАДИЙ САВИЯДАГИ НОВЕ МЕТАЛЛА МАХСУЛОТЛАРИ

Жўмкамдор панжаралар, сувичақлар, гаройиб дарвозалар, қандақлар ва бошқа тузал буюмлар.

Тел.: (998-71) 162-42-47, 162-78-59, 162-42-74. Факс: 162-41-05. E-mail: tezintom@globalnet.uz

**“Lok Kolor Sintez”** ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ЗАВОД

**ЭМАЛЛАРИНИНГ КЕНГ АССОРТИМЕНТИНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ.**

**Товланувчи эмаллар**

**УНИВЕРСАЛ ЭМАЛЬ**  
Товланувчи, атмосфера ўзгаришларига чидамли бўлган, хоналарнинг ташқи металл, ёғоч қопламаларини бўяшда қўлланилади.

**ПОП УЧУН ЭМАЛЬ**  
Товланувчи, мустаҳкам, сув ва ювувчи воситалар таъсирига чидамли ва қийин кўчадиган эмаль.

**ЭМУЛСОН ЭМАЛЬ**  
Металл ва бошқа қопламаларни устки ва ташқи бўяшда қўлланиладиган товланувчи ва қаттиқ эмаль.

**Ярим товланувчи эмаллар**

**ТОМ УЧУН ЭМАЛЬ**  
Ярим товланувчи, атмосфера ўзгаришларига чидамли ва юқори сифатли эмаль металл, бетон, гиштли юзаларни бўяшда қўлланилади. Шунингдек, металл ва ёғоч томларни, вагонларни бўяшда ишлатилиши мумкин.

**Қаттиқ эмаллар**

**ҚАТТИҚ ЭМАЛЬ**  
Хоналарнинг ёғоч, металл ва бошқа юзаларини ички ва ташқи бўйш учун қўлланилади. Замонавий евроустуб, қулай ва илҳи интерьер ҳосил қилишда ёрдам беради.

**ИШПАТИШГА ТАЙЁР ҲОПДАГИ ОҚ ЭМАЛЬ**  
Ярим товланувчи, декоратив хўсуниятлари яхшиланган ва хонанинг барча ички қопламаларини бўяшда қўлланиладиган юқори сифатли эмаль.

**Маҳсулотлар сертификатланган.**

Манзил: Тошкент шаҳри, «Фаргона йўли» кўчаси, 13/22.  
Телефон: (998 71) 191-47-41, 191-80-94.  
Факс: (998 71) 191-74-63.  
E-mail: lokcolor@rol.uz

Корхона халқаро сифат соғринига сазовор бўлган ва SPiNING олтин медали билан тақдирланган.

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

**Тошкент — Москва**

Уч ва ундан ортқ кишидан иборат бўлган оилалар учун янги оилавий тариф.

2 ёшгача бўлган болалар учун 90%, 2-11 ёшдагилар учун 25% чегирма.

«Домодедово» аэропортидан Павелецкий вокзалига ва Павелецкий вокзалидан «Домодедово» аэропортига қулай тезорар электрпоездда бепул элтиб қўйилади.

Тел: 133-27-45, 133-76-38, 133-99-35

**ТРАНСАВРО**  
АВИАКОМПАНИЈА.

Ушбу жойда **СИЗИНИНГ** рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги **Реклама** — **БИЗНЕСИНИНГИЗНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТАЙДИ!**

Сизни қўядаги манадида кутамиз: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-ўй, 2-қават, 242-хона. Тел.: 136-09-25, 132-10-63.



**Меҳр ва мурувват**

Юртимиз узра кўклар нафаси февраль ойидаёқ кеза бошлагани сабабини ўзимча изохламоқчи бўламман... Қиш чиласидаёқ мамлакатда шир қилинган меҳр-мурувват кадрияти яшариш мавсумини шошиштирган бўлса, не ажаб? Юртбошимиз ўтган йили Самарқанд вилоят депутатлари билан учрашувда "Қайси ерда астойдил эзгу ишлар ва пок ниятлар қилинса, уша ерда одамларга яшilik бўлиб қайтади", дегандилар. Шарқнинг бу азалий кадрияти жиззахликлар мисолида кенг кўламда ўз аксини топаётгани кишини қувонтиради.

Неварам институтда шартнома асосида ўқийди. Ўқиллари жудаёқ яхши, аммо шартнома пулини тўлашга оиламизнинг қурби етмасди, — дейди Жиззах шаҳридан нафақадор Раҳима ая Умарова. — Вилоят ҳокимиятидагилар омон бўлишини, уларнинг кўмаги билан мушкуллимиз осон бўлди.

Вилоят ҳокимлигининг "Меҳр ва мурувват йили" дастурига қўра, 2004 йилда ўта муҳтож оилаларнинг шартнома асосида ўқишга кирган 100 нафар боласини қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган эди. Икки ой мобайнида уларнинг 13 нафарига имтиёзлик кредитлар

**Саховатга эш кўклар**

жратилди. Биз шаҳарнинг Шароф Рашидов кўчасида яшовчи Расуллар хонадонидан бўлганимизда, оила аъзоларининг кайфиятидан тортол қишлоғида Аҳмад бобо деган кекса деҳқон истикомат қилади. Унга туман транспортда бепул юриш учун махсус гувоҳнома берилди. Тунов кунни отахон уни кўшниси Раим бобога топширибди. "Мен ҳали ёшман, — дейди ҳазиломуз ораларидаги икки ёш фарққа ишора қилиб, — пиёда

бемалол ҳаракат қилолмайди, — дейди зоминлик Маъфиратхон Азизова. — Шифокорлар бу нуқсонни Россиялик жарроҳлар хавф-хатарсиз бартараф этиш имкониятига эга дейишди: Маблағ йўқлиги туфайли анча пайдан буюн чорасини тополмаётгандик. Шукрки, маҳаллий ҳокимиятдагилар жонимизга оро қилишди. Биз улардан мингдан-миг розимиз.

Юрт юмуши ва қорига бир ёқадан бош чиқариб, ёлпасига киришиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга, қўллаб-қувватлашга муҳтож кўламининг бу тахлит муҳтофазга қилиш ҳеч бир жамият ва тузумда қузатилган эмас. Бунга қандай эриша олдик, деган саволига жавобан, аввало, 2003 йилда ЮНИСЕФ ташкилоти бир қатор давлатлар ўртасида ўтказган ижтимоий мониторинг натижаларини ёдга олгимиз келади. Унда таъкидланганидек, бу ютуқларга юртимизда уйғунликда амалга оширилган иқтисодий ҳамда ижтимоий-маърифий ислохотлар туфайли эришилди, дея оламиз. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, бизнинг энг катта бойлигимиз — халқимиздир. Юқоридagi мисоллар Жиззах вилоятида "Меҳр-мурувват" дастурида белги-ланган юмушларга шижоат билан киришилгани ифодасидир.

юрсам ҳам бўлади... Ҳақиқатан ҳам, Жиззах шаҳар ва туман транспортларида бепул юришлари учун ёлғиз қарияларнинг 500 нафаридан зиёдаги махсус гувоҳномалар тарқатилди. Турли сабаблар билан бепуллик ҳасталигига дучор бўлганларнинг 26 нафарини эса "Умид гулшани" оналар ва болалар шифохонасига даволаниш учун юбориш режалаштирилмоқда. Демак, шунча нафар хонадонда келин-куёвлар ота-она бўлиш бахтига эришилари мумкин. Шу мақсадда ҳокимлик томонидан икки миллион сўм маблағ ажратилган.

— Фарзандимнинг умуртқасида туғма нуқсон бор,

соғга қилишган. Олисан қатновчи ўқувчилар учун 280 ўринли ётоқхона бор. Бу ердаги болалар учун 3 маҳал иссиқ овқат берилди.

Илм даргоҳидаги доимий жўшқинлик, янги ўқлар сари интилишлар, табиийки, зое кетмаяпти. Ҳозиргача 6 нафар ўқувчи Америкада ўқиб келди. Ҳар йили битирувчилардан 80-92 фоизи олийгоҳларга қабул қилинмоқда.

— «Олим эмас, одам бўл!» деган шioriни ўртага ташлаётимиз, — дейди мактаб-интернат директори, республикада хизмат курсатган ўқитувчи Матлуба Мадаминаова. — Мақсад — ўқувчиларимиз юксак маънавиятли, келажик буюк Ўзбекистонимиз қорига ярағулик инсон бўлиб камол топсинлар!

Қосимжон АҚБАРОВ, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

**Матлубанинг матлаби**

Матлуба Мадаминаова жаҳонгашта аёллардан. У истиклол шарофати туфайли Америка, Япония, Польша, Голландия давлатларида бўлиб, таълим тизими, соҳадаги илгор тажрибалар билан танишиб келиш имкониятига эга бўлган мактаб директорларидан. Эътиборли томони шундаки, қайси юртга бормасин, халқаро танловларда голибликка эришгани бос қатор имтиёزلардан фойдаланди.

Матлуба — асли зиёлилар оиласидан. У Мингбулок туманида туғилиб, камол топди. Изланиш, ташаббускорлик, жонқурлик фазилатлари туфайли Наманган вилояти маорифчилари орасида катта ҳурмат қозонган. Ҳозир ишлаб турган Шароф Рашидов номли иқти-

дорли болалар интернет-мактаби ҳам бундан 10 йил муқаддам Матлубанинг жонқурлиги билан ташкил этилганди. Ривожланган хорижий мамлакатлардан ўрганиб келган тажрибаларини амалда қўллаш, кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида фаолият кўрсатиш туфайли унинг жамоасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Унинг учун 2003 йил, айниқса, эсда қоларли бўлди. У АКСЕЛСнинг илгор ўқитувчи, аълочи ўқувчи, инглиз тилини чуқур ўргатувчи мактаб номиниациялари бўйича голиб чиқди. АКШнинг Колорадо штатидаги мактаб би-

лан 3 йил ўзаро тажриба алмашиш ҳуқуқи қўлга киритилди.

AREXнинг ўзбек мактабларида интернет тармоғи бўйича танловида ҳам омад қилиб боқди. Бугун вилоят бўйича 5 та мактаб шундай интернет тармоғига эга. Улардан биттаси мазкур илм мактабидир.

Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун барча имкониятлар яратиб берилаётгани муваффақият омилларидан биридир. Қарийб 7 миң китоб фондига эга кутубхона узлуқсиз ишлаб турибди. 670 та инглиз тилидаги энг сара китобни америкалик ўқувчилар

**Intel® Xeon™ MP процессорлари базасидаги TS-Net Vigor® M серверлари**

**Ўзбекистонда илк бор ишлаб чиқарилаётган, барча халқро андозаларга жавоб берадиган, баҳоси тўғри келадиган серверлар.**

Корпоратив сотувлар: «Middle East Computers», Тошкент ш., «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, 1520 офис. Тел.: (998 71) 120-77-78; e-mail: sales@tstech.uz.  
«SK-Rest», Тошкент ш., Мусахонов к., 45-уй. Тел.: (998 71) 133-24-63; e-mail: sk-rest@tstech.uz.  
Дистрибутёрлар: «Сахоти» МЧЖ, Тошкент ш., тел.: (371) 127-68-47, 127-59-57; «Техсервис», Термиз ш., тел.: (37622) 7-45-54; «Поиск» ЕИТИ маркази, Фарғона ш., тел.: (3732) 24-13-13, 24-31-80. <http://www.tstech.uz>

Товар сертификатланган. Intel, Intel Inside® ва Xeon™ логотипи Intel Corporationнинг АҚШ ва бошқа давлатларда рўйхатдан ўтган товар белгисидир.

**Хурмамли юрпидошлар!**

**Республикамизнинг энг йирик ва нуфузли банкларидан бири акциядорлик тижорат «ПАХТА БАНК»и 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили муносабати билан**

**«ПАХТА БАНК»**

сизларга «Саховат» муддатли омонат турини таклиф этади.

**Мазкур омонатга бўш пул маблағингизни «Пахта банк»нинг истаган филиалига қўйишингиз ва ҳар ойда йиллик 38 фоиз микдорида даромад олишингиз мумкин!**

**«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!**

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
Кўпларни танишади — муносибларни танлашади!

**Халқ сўзи**  
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ**

Тажрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ҳубсаров, А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақада бўлими 133-52-55;  
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.  
Буқортыа Г — 472, 33413 нусхада босилди.  
Ҳажми — 2 тўбюк. Офсет усулида босилган.  
Қоғоз белими А—2.  
Газета ИВМ компьютерда теркидан ва оператор Жамил ТОРАЕВ томонидан сакцияланди.  
Тажриратда ҳажми 5 қорғалда зийд материаллар қабул қилинмайдди.  
11-Тижорат материал

● **МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Орпнов.  
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.  
Навбатчи — С. Ангар.  
Мусакххх — Ш. Манрабобоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5